

YOSHLAR OVOZI

ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОЙИШИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАГА ЎЗБЕКISTON ХАЛҚИНИНГ ҚЎШГАН МУНОСИБ ҲИССАСИГА БАФИШЛАНГАН КИТОБ-АЛЬБОМНИ НАШР ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1941 – 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида кўп миллатли Ўзбекистон халқи жанг майдонларида ва фронт ортида улкан жасорат ва матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. Урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан ортиғи ҳалок бўлди, 133 мингга яқини бедарак йўқолди, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтди.

Уша ғоят оғир ва суронли даврда юртимиз фронтнинг мустақкам таъминот базасига айланди, бу ердаги санат корхоналари ҳарбий соҳага мослаштирилиб, уларнинг фаолияти фронт эҳтиёжлари учун йўналтирилди. Ўзбекистонга эвакуация қилинган юздан зиёд завод ва фабрикаларни тиклашда фуқароларимиз бор куч ва имкониятларини сафарбар этди.

Уруш олови ичида қолган ҳудудлардан юртимизга 1 миллион нафардан ортиқ киши кўчириб келтирилди. Уларнинг

200 минг нафари болалар эди. Халқимиз уларга бошпана бериб, сўнгги бурда нонини ҳам баҳам кўриб, ота-онасидан ажралган болаларни ўз фарзандлари қатори тарбиясига олиб, бутун дунёга ҳақиқий инсонпарварлик фазилатларини намойиш этди.

Афсуски, Ўзбекистон халқининг бу қонли уруш давридан фронтда ва фронт ортида кечган оғир ва машаққатли ҳаёти, фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган улкан ҳиссасини ўзида ҳар томонлама акс эттирадиган яхлит илмий-тарихий китоб ёки ҳужжатлар тўплами шу пайтга қадар яратилмаган. Уруш йилларида халқимиз томонидан амалга оширилган буюк ишларни, унинг кучли ирода ва қаҳрамонлигини, уша давр ҳақиқатини келгуси авлодларга аниқ мисоллар асосида етказиш, уларни ватанпарварлик ва жасорат руҳида тарбиялаш борасида бундай манбалар ғоят муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 2-саҳифада)

БАРЧА ИШЛАРИМИЗ ТУБ ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ МАҚСАДИ МУЖАССАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 июнь кунини Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси билан пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ишлари, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида стратегик аҳамиятга эга йирик лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш, Тошкентни замонавий мегаполисга айлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимиз туманларида бу ғалғи ташриф давомида ҳам асосий эътибор ана шу йўлдаги дозарб режа ва лойиҳалар ижросига қаратилди.

Президентимиз дастлаб «Тошкент-Шарқий» аэродроми базасида барпо этилаётган ишбилармонлик аэропорти қурилиш участкасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 2 декабрь кунини мазкур лойиҳа билан танишиб, бизнес-авиацияни ташкил этиш ва бундай турдаги барча хизматларни кўрсатишга қодир замонавий инфратузилмани барпо этиш борасида кўрсатмалар берган эди. Ишбилармонлик аэропорти

Марказий Осиё минтақасида мутлақо янги тизим бўлиб, яқка тартибдаги ва корпоратив парвозларга ихтисослашди. Лойиҳа мамлакатимиз транспорт ва транзит имкониятларини янада оширишда муҳим ўрин тутди.

Айни пайтда олий даражадаги меҳмонлар, хоржий делегациялар, ишбилармонлар, сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатади.

Ҳозирги вақтда эски учини-кўнни йўлиги ўрнига 4 километрлик замонавий йўлак қурилмақда. Соатига 250 йўловчини ўтказиш имкониятига эга терминал барпо этиш, кейинги босқичда қўшимча инфратузилма объектлари, меҳмонхона мажмуаси қуриш режалаштирилган.

Шу кунга қадар бу ерда қарийб 20 минг куб метр тупроқ ишлари бажарилди. Қурилиш-монтаж ишларига 100 дан ортиқ махсус техника жалб этилган.

Аэродром ҳудудида бир вақтнинг ўзида 20 та самолётга хизмат кўрсатадиган перрон қурилади. Шунингдек, қўриқлаш, алоқа ва хавфсизлик пунктлари бунёд этилиши кўзда тутилмоқда. Лойиҳа доирасида ҳаво лайнерларига техник хизмат кўрсатиш маркази, самолёт ва вертолётларни сақлаш учун замонавий ангар, ёнғин хавфсиз-

лиги депоси қурилади. Шу билан бирга, диспетчерлик маркази ва йўловчилар учун овқатланиш биноси барпо этилади.

Лойиҳанинг биринчи босқичи 2020 йилда якунланиши белгиланган.

— Бизнес-аэропортда хоржий ишбилармонларга ҳар томонлама маъқул бўладиган хизматларни йўлга қўйиш учун лойиҳаси мукамал бўлиши керак. Самолётдан тушган одам халқимизнинг нечоғлиқ бағрикенг ва меҳмондўст эканини ҳис этиши керак. Шу бонис замонавий лойиҳа институти ташкил этиб, Япония, Германия каби мамлакатлардан малакали мутахассисларни ишга жалб этиш лозим. Ана шундай қилсак, бу аэропорт халқимизга, фарзандларимизга кўп йиллар хизмат қилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз пойтахтимизнинг Махтумқули ва Оҳангарон кўчалари кесилишасида барпо этилаётган уч қаватли замонавий кўприк лойиҳасини кўздан кечирди.

Энг гавжум чорраҳалардан бири бўлган мазкур ҳудудда уч қаватли янги кўприк қурилиши тирбандликни камайитириб, ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлайди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ I ҚУРУЛТОЙИГА

28
КУН ҚОЛДИ

Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси **Озода Исмоилова** Ёшлар иттифоқи кўмаги билан Германиянинг **Мюнхен шаҳридаги "BWS Germanlingua"** тил ўрганиш мактабида ўн икки ҳафталик интенсив курсни тамомлаб қайтди.

ҚУВОНГАНИ — БАХТИМИЗ

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан Урганч шаҳридаги Амир Темур номлидаги маданият ва истироҳат боғида байрам шоиёнаси ўтказилди.

Боғ тўрида хоразмлик иқтидорли йигит-қизларнинг амалий санъат асарлари кўргазмаси жой олди. Ушбу манзара меҳмонларга хуш кайфият улашди. Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган шахмат, шашка, арқон

рига навбат берилди.

Яқунда мутасадди ташкилотлар томонидан жисмоний имконияти чекланган болаларга ногиронлик аравачалари, кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига эса, байрам совғалари тақдим этилди.

Байрам муносабати билан Ёшлар иттифоқининг Хоразм вилояти кенгаши ходимла-



тортиш мусобақалари ҳам томошабон бўлди. Фолиблар муносиб тақдирланди.

Вилоят Ёшлар марказида концерт дастури намойиш этилди. Тадбирда Хоразм вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Фарҳод Эрмонов иштирок этди. У барчани байрам билан табриклаб, бегубор қалбларни асраб-аввайлаш асосий бурчимиз эканини эслатди. Сўнгра болалар жамоалари ҳамда вилоят кўғирчоқ театри актёрла-

ри оилавий болалар уйда ҳам бўлди. У ерда маданият тадбир ташкил этиб, болаларнинг қалбини қувончга тўлдирди. Тарбияланувчиларнинг ўзлари ҳам шеър айтиб, кўшиқ ижро этди. Ёшлар иттифоқининг фаол аъзолари томонидан саҳналаштирилган эртақлар болажонларни бефарқ қолдирмади.

Яқунда болаларга эсдалик совғалар топширилди.

Сумбулой НУРМЕТОВА,
Дилшод АТАМУРOTOV



МАКТАБГА ДЕВОР,
ЎҚУВЧИЛАРГА КИТОБ КЕРАК 3

FESTIVAL



ПОДИУМДА — БОЛАЛАР

Ёшлар ижод саройида “Болажонлар — ширинтойлар” болалар мода фестивали бўлиб ўтди

“Осиё рамзи” Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ташкил этилаётган намойишда олий ўқув юрталари педагог ва талабалари, болалар ижодиёти марказлари аъзолари иштирок этди.

— Бу йилги танловда юзга яқин дизайнерлар қатнашиш истагини билдирган, — дейди “Осиё рамзи” уюшмаси матбуот хизмати раҳбари Доно Каримова. — Улар то-

монидан яратилган либослар технологияси, тузилиши, сифати, ишлатилган мато турига қараб қўриқдан ўтказилди. Муносиблари яқини босқичда маҳоратини синаб кўрди.

Фестиваль доирасида маҳорат дарслари ҳам ташкил этилиб, соҳанинг бўлгуси мутахассислари матога нақш солиш, турли аксессуарлар тайёрлаш ҳамда болалар пардозини буйича билимини оширди.

Болалар иштирокидаги дефиле барчада ёрқин таассурот уйғотди. Меҳмонлар эътиборига миллий ва замонавий услублар уйғунлигида яратилган либос коллекциялари ҳавола этилди. Байрам тадбирлари учун кўйлаклар, кундалик ва спорт кийимларининг деярли барчаси табиий матолардан тикилган. Шунингдек, фестивалда илк мартаба икки ёшдаги болаларга атаб тикилган либослар намойиш этилди.

Яқунда голиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Нозима МИЯССАРОВА



КИТОБ — ҲАЁТНИ ЎРГАТУВЧИ МУРАББИЙ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 12 майдаги “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхоналик танловларини ташкил этиш тўғрисида”-ги қарорини ўқиб

Асримизга келиб ахборот-коммуникация технологиялари тараккий этди. Табиийки, бу жараёнда «энди бировнинг китоб мутлоага қилишига ишонини мушкул», деган жўн қарашлар ҳам юзга келгани бор гап. Бу ҳолат адабиёт жонқурларини чуқур уйга толдирди. Тинчи йўқолган захматқашлар бу борада турли анжуманлар, илмий-амалий семинарлар ва кўнгилочар тадбирлар уюштириб, ўзгалар фикрига қулоқ осди. Мутлоадан узоқлашаётган қатлам аҳлини манфаатли акцияларга чорлаб, уларга китоб ўқигани учун миннатдорлик совғаларини улашди. Ниҳоят узоқ баҳс-мунозаралардан сўнг кенг жамоатчиликда: «Ҳар қандай ақли шоширадиган кашфиёт китоб мутлоаасига тўсқинлик қилолмайди, аксинча, узғаришларнинг сир-синаотини англашда китоб асқатади», деган фикр пайдо бўлди, тўғриси, шакллантирилди.

Китоб нафақат зиё масканларини ёритувчи нур, балки инсонларни камолот сари етакловчи муҳим маънавий хазина ҳамдир. У инсонга маънавий озиқа берибгина қолмай, унинг тафаккурини ҳам бойити, келажакка аниқ мақсадлар билан одимлашда мустақкам пилапола вазифасини бажаради. Шу бонис, китоб кишининг яқин дўсти. Бунга оддий мисол: мактабга илк бор қадам қўйган болага устозини китоб тутқазди. Уша дақиқадан бошлаб ўқувчининг қалбида китобга бўлган меҳр уйғонди ва бу меҳр уни эзгу мақсад, юксак орзулар парвозига чорлайди.

Ёшларимиз орасида китобни севиб, уни меҳр би-

лан қўлга олиб ўқийдиганлари билан бирга, аксинча, китобга беписандларча муносабатда бўладиган, кутубхонадан олиб, ўйда ўқимасдан сақлаб ўтирадиганлари, қолаверса, бутун ўқув йили давомида китоб жавонида сақлайдиганлари ҳам йўқ эмас. Ҳозирда бундай лоқайликка барҳам бериш чоралари кўрилиб, китобхона ўқувчи бўлиш шараф экани тарғиб қилинмоқда. Натижа ҳам узоқ куттирмаслиги аниқ, албатта.

Умуман, барча турдаги китоблар инсоннинг маънан юксалишига, салоҳиятини бойитишга хизмат қилади. Бадий китоблар кишининг сўз бойлигини оширади, теран фикрлашга ундайди. Бадий китоб ўқийшининг фойдали жиҳатлари жуда кўп. Чунки ҳар қандай асар ўзининг ғояси, мазмуни билан инсон онига таъсир ўтказади. Асарда кўтаришган бирор муаммо ўқувчинин баҳс-мунозарасига чорлаш билан бирга, уни шу мавзу юзасидан чуқур мулоҳаза юритишга ундайди. Асардаги ҳар бир қаҳрамон ҳаёти, хоҳ у ижобий ёки салбий бўлсин, инсонга маълум маънода сабоқ беради.

“Улуғ аждодларимизнинг ақл-заковати ва бадий даҳоси билан яратилган ноёб асарлар, хусусан, математика, минералогия, астрономия, кимё, тиббиёт, фармацевтика, меъморлик, тарих, адабиёт, санъат, илоҳиёт, фалсафа ва бошқа соҳаларга оид манбалар нафақат бизнинг халқимиз, балки жаҳон аҳлининг бебаҳо бойлиги ҳисобланади.

Ана шундай беқиёс меросимиз асосида ташкил этилган “Ёш китобхона” тан-

ловиди 250 минг нафарга яқин ёш иштирок этиб, танлов голибларига “Президент совғаси” – энгил автомашини топширилгани ёшлар ўртасида китобхоналик маданияти ривожланишига муҳим таъсир ўтказди”, дейилди Президентимиз қарориди.

Мана, илм, бахт ва фаровонлик рамзи бўлган китоб тарихоти шаҳару қишлоқларимизда кенг тарғиб қилиниб, омма ичра ёйилмоқда. Халқимиз ҳаммиса китоб ўқиб, айниқса, “Алопомиш”, “Гўруғли”, “Кунтуғмиш” каби халқ достонларидан лаззат туғиб яшаган. Бундай муҳитда улғайган фарзандлар камолда ҳам муаммолар у қадар кўзга ташланмаган. Чунки орият, мардлик, тантлилик, кециримликдан ибрат берувчи киратхонлик кечалари вояга етаётган йигит-қизга тўғри йўл сари ёрқин маёқ бўлган. Авлодлар алмашинуви – халқимизнинг асрлар оша бир-бирига елкадош бўлиб яшаб келаётган фарзандлар орасида тирикчилик важида китобга бўлган эътиборни бир оз сусайтиришдек туюлади. Лекин, минг шукрки, бу ҳол бугун орта чекинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, адабиёт одамларнинг инсоний қиёфаси шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Китобхоналик тараккийнинг янги эшигини очди, шунда фаровонлик юксалди. Зотан, Амир Темур бонимиз айтганидек: “Китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идронинг, илму-донининг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир”.

Ғайрат ШИРИНОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОЙИШИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН
ҒАЛАБАГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ҚЎШГАН МУНОСИБ ҲИССАСИГА
БАҒИШЛАНГАН КИТОБ-АЛЬБОМНИ НАШР ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Халқимизнинг 1941 – 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк ғалабага қўшган муносиб ҳиссасини тарихий ҳужжатлар асосида кўрсатиш, фашизмга қарши жангларда қатнашган юрдошларимизнинг номларини абадийлаштириш, ёш авлодни марalik, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, "Ўзрив" агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда кенг жамоатчиликнинг Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ушбу тарихий воқеанинг 2020 йилда нишонланганига 75 йиллигига бағишланган китоб-альбомни тайёрлаш ва нашр этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни тайёрлаш ва нашр этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда Ташкилий қўмита деб юритилади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Ташкилий қўмитанинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон халқи кўрсатган мардик ва жасорат, эл-юртимизнинг ғалабага қўшган муносиб ҳиссаси ҳақида тарихий ҳақиқатни тиклаш ва уни келгуси авлодларга етказиш;

республика ва хорижий мамлакатлардаги архив ва музейларда сақланаётган мавзуга оид тарихий ҳужжатларни тўплаш ва ўрганиш;

Иккинчи жаҳон уруши даврида фронтда қатнашган ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юрдошларимиздан уларнинг хотираларини ёзиб олиш, шахсий альбом ва кутубхоналарида сақланаётган тарихий материалларни тўплаш;

аҳолининг шахсий кутубхоналарида сақланаётган тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, ўша даврга оид ноёб суратларни тўплаш ва нашрга тайёрлаш;

уруш йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳоли, юртимизга қўриб келтирилган ҳамда янги қурилган завод ва фабрикалар ҳақида маълумотлар йиғиш;

халқимиз томонидан уруш даврида Ўзбекистонга эвакуация қилинган инсонларга, шу жумладан, ота-онасиз болаларга кўрсатилган меҳр-муруватни, юрдошларимизнинг инсонпарварлик фазилатларини акс эттириш;

уруш даврида фронтда қатнашган ва фронт ортида фидо-

корона меҳнат қилган, ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган юрдошларимизга бугунги кунда давлатимиз ва жамиятимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътиборни аниқ далиллар, факт ва рақамлар орқали кўрсатиш.

4. Ташкилий қўмитага китоб-альбомни юқори савияда тайёрлаш ва нашр этиш учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари ва мутахассисларини, экспертларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва коллатхоналари вакилларини жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, китоб-альбомни тайёрлаш ва нашр этиш билан боғлиқ барча харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги китоб-альбомни нашр этиш билан боғлиқ харажатлар ва унинг нархини Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги билан белгиланган тартибда келишган ҳолда тасдиқласин.

7. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2018 йил 31 май

Ш.МИРЗИЁЕВ

YUKSALISH

ЎҚИСАНГ, БОЙ БЎЛАСАН!

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ва АҚШнинг "Asian Investment" корпорацияси ҳамкорлигида Java тилида дастурлаш бўйича ўқув курслари ташкил қилинди.



Бугунги кунда дунёда Java дастурчиларига талаб ортмоқда. Маълумотларга қараганда, мазкур ихтисосликка эга мутахассислар учун 200 мингдан зиёд бўш иш ўрни мавжуд. Уларнинг бир ойлик маоши эса, хорижда 3 минг АҚШ доллари, Ўзбекистонда 10 миллион сўмдан ортади. Демак, янги ташаббус

Рохатой ҚОДИРОВА

ёшларимиз учун айна мудадо. Ўқув курсларини америкалик тажрибали мутахассис олиб боради. Илк гуруҳ 24 нафар кишидан шакллантирилиб, саккиз ой мобайнида тингловчилар Java дастурлаш тизими асослари, маълумотлар базаси билан ишлаш, Java Web Apps, JSF, Code-First, RESTful каби технологиялар ва хизматлардан фойдаланишни ўрганади.

Энг фаол ва зукко йигит-қизлар "Asian Investment" компаниясининг мамлакатимиз ҳамда хорижда амалга оширилаётган лойиҳаларига жалб қилинади.

ISLOHOT ODIMLARI

УЛАР БУНИ ОРЗУ ҚИЛАРДИ

Тўмарис АбЗАМ

Афғон ва ўзбек халқларини боғлаб турган бир неча минг йиллик қардошлик алоқалари икки давлат раҳбарларининг дўстлик учрашувидан сўнг янада мустаҳкамланди.



Шу кунга қадар турли даражадаги музокаралар чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда йиғирмага яқин ҳужжат имзоланди. Аксарияти нафақат Афғонистон ва Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун стратегик аҳамиятга эгадир. Жумладан, Ўзбекистонлик мутахассислар томонидан "Мозори Шариф – Ҳирот" темир йўли ва "Сурхон – Пули Хумри" электр узатиш линиясини қуриш бўйича келишувларга эришилган. Бежиз эмаски, жорий йилда Термиз шаҳридаги Афғонистон

фурқароларини ўқитиш таълим марказига темир йўл ва электр муҳандислиги йўналиши бўйича 35 нафар афғонистонлик ёш ўқувчи қабул қилинди.

— Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғанининг 2017 йил декабрь ойида мамлакатимизга ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказини ташкил этиш бўйича битим имзоланган эди, — дейди муассаса директори Ойбек Рузиев. — Қисқа фурсатда фео-

лиятимизни йўлга қўйиб олдик. Ҳозирда марказда Афғонистондан келган 131 нафар ўзбек йигит-қиз тахсил олмақда. Темир йўл ва электр муҳандислиги бўлиши истигиди ёшларга даставвал лотин ёзуви асосида ўзбек тили ўргатишмоқда. Уларга Термиз давлат университети ўқитувчилари билан бир қаторда, Тошкент шаҳридаги нуфузли олий таълим муассасалари мутахассислари ҳам масофадан туриб таълим берапти.

— Сомондан санъат асарлари яратишни марказга келиб ўргандим, — дейди тенгдошимиз. — Мана бу Ашиёр Навоийнинг Ҳиротдаги макбараси. Ушбу тасвир бобомиз қабрини зиярат

БАРЧА ИШЛАРИМИЗ ТУБ ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗНИ
РОЗИ ҚИЛИШ МАҚСАДИ МУЖАССАМ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Кўприкнинг Паркент кўчасидан Оҳангарон шоссесига ўтувчи қисмида узунлиги 500 метрдан зиёд тунель қурилади. Иккинчи босқичда Қорасув даҳасидан Махтумқули кўчасига чиқувчи йўлнинг мазкур тунель устидан ўтган қисмида айланма кўприк бунёд этилади. Иккала кўприк устидан ўтувчи учинчи қават Махтумқули ва Темур Малик кўчаларини туташтиради. Шунингдек, Тошкент механика заводида таъмирланган самолётларни ишбилармонлик аэропортига олиб бориш учун йўл ўтказгич барпо этиш режалаштирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, шу чоқда қуримизда уч қават кўприк қурилмаган эди. Эндимики Ўзбекистон эстакада бунёд этиш тажрибасини ҳам ўзлаштирмоқда.

Қурилиш ишларини 2019 йил август ойида тўлиқ якунлаш режалаштирилмоқда.

— Бу кўприк келгусида Тошкент шаҳрининг ўзига хос ташриф қоғози бўлади, — дейди Президентимиз. — Ўзбекистон учун янгилик бўлган ушбу маҳобатли иншоот Чорвоқ ва Чимён ҳудудини ривожлантиришга замин яратяди. Кўприк қурилиши жараёнида автомобиллар ҳаракати тўхтатилмайд.

Янги транспорт боғламаси Тошкент шаҳридан Чорвоқ ҳудудига борувчи йўлни 22 километрга қисқартирмоқда. Аяни пайтда пойтахт аҳолиси ва хорижий сайёҳларнинг Чорвоқ ҳамда Чимён ҳудудига тез ва осон етиб олиши учун Чирчиқ дарёси устидан кўприк бунёд этилмоқда.

Шавкат Мирзиёев янги кўприкни замонавий технологиялар асосида сифатли бунёд этиш, коммуникация тармоқларини жойлаштириш юзасидан зарур қўрсатмалар беради.

— Асосийси, ёз жазирасида бу ерда қурилиш ишлари транспорт қатновига ноқулайлик туғдирмаслиги зарур. Бунди ҳозирдан уйлаб пухта ечим топиш, қурилиши 3 семада ташкил этиш лозим, — дейди Президентимиз.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига Тошкент ерусти ҳалқа метро линиясини қуриш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари Чилонзор туманининг Афросиёб ва Бешёғоч кўчалари кесилувидаги ҳудудда барпо этилаётган кўп тармоқли «Хумо Арена» муз саройи қурилишини кўздан кечирди.

Ушбу мажмуа дизайнида замонавий қурилиш ечимлари ва илгор технологиялар миллий маданият элементлари билан уйғунлашиб кетган. Мажмуа кўкда парвоз этаётган бахт ва хурлик рамзи — Хумо қуши шаклида барпо этилмоқда.

Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 февраль кuni «Хумо Арена» лойиҳаси билан танишиб, бу каби замонавий спорт иншоотларининг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган, мутасадди раҳбарларга қурилишни юқори сифат билан амалга ошириш бўйича зарур

қўрсатмалар берган эди.

Иншоот икки қисмдан иборат бўлиб, унда асосий ва машқ муз ареналари жой олади. Умумий майдони 82 минг 250 квадрат метрдан иборат 6 қаватли иншоотнинг энг баланд нуқтаси 40 метрни ташкил этади.

Мобиль ўриндиқлар билан жиҳозланган саройда хоккей ўйинларини 12 минг 500, бошқа спорт мусобақаларини 14 минг, турли концерт ва дам олиш дастурларини 10 минг томошабин кузатиш имконига эга бўлади. Дам олиш маскани ва иккинчи марказ сифатида барпо этилаётган муз саройида турли тадбирларни ўтказиш мумкин бўлади. Хусусан, аренада халқаро хоккей ўйинлари, кёрлинг, фигуралар учини, шорт-трек бўйича мусобақалар, баскетбол, волейбол, гандбол, футбол, бокс, таэквондо, қилчбозлик баҳсларини ўтказиш имконияти яратилади. Бундан ташқари, мажмуада умумхалқ байрамлари, концертлар, курғазма ва форумлар ташкил этиш мумкин.

Мажмуада муҳандислик тармоқлари, ёнгини учиратиш, совутиш тизимлари, ёритиш, вентиляция, иссиқлик манбаи тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда, тежамкор технологиялар қўлланилади. Унинг ёнида 1 минг 375 автомобильга мўлжалланган 5 қаватли автотурагоҳ қурилмоқда.

Президентимиз ушбу мажмуада шугулланган хоккей, фигуралар учини ва бошқа спорт турлари бўйича жамоаларини ҳозирдан шакллантириш, бу ерда йирик халқаро мусобақаларни ташкиллаштириш масаласини ўрганиб чиқиш лозимлигини таъкидлади.

Мазкур мажмуани йил охирига қадар фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри маркази улкан қурилиш майдонига айланган. 80 гектар ҳудудда барпо этилаётган «Toshkent City» халқаро ишбилармонлик марказига нафақат юртимиз тадбиркорлари, балки хорижий инвесторлар ҳам қизиқиш билдиришмоқда.

Президентимизнинг мазкур ҳудудга ташрифи ва қурилиш ишлари билан танишуви чоғида бу ҳақда алоҳида сўз юритилди.

Ҳозирги кунда мазкур замонавий марказ ҳудуди 7 қисмга бўлиниб, қурилиш ишлари олиб борилаётган. Аяни пайтгача 42 минг куб метр тупроқ ишлари бажарилган. «Конгресс холл» ва беш юлузли меҳмонхонанинг ерусти монумент қопламаларини мустаҳкамлаш якунланган.

Давлатимиз раҳбари «Toshkent City» қурилиш жараёнини кўздан кечирди. Қурувчи-муҳандислар, хорижий мутахассислар билан суҳбатлашди.

Бугунга қадар «Toshkent City» мамурияти томонидан Буюк Британия, Германия, Италия, Жанубий Корея компаниялари билан замонавий турар жойлар, офис ва савдо мажмуалари, таълим муассасалари, 2 та 20 қаватли савдо-кўнгулхона марказ, 40 қаватли мултифункционал бино ва иншоотлар қурилишига инвестиция киритиш бўйича

лоийҳалар имзоланди.

Президентимиз меҳмонхона ва «Конгресс-холл»нинг ички дизайни, кириш қисмлари ҳамда нуфузли халқаро анжуманларни ўтказишга мўлжалланган заллар интерьерлари лойиҳаси билан танишиб, уларни миллий услубда безаш ва жиҳозлаш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Пойтахтимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликнинг олдини олиш мақсадида кўпбақ кўприк ва йўл ўтказгичлар бунёд этилмоқда. Чилонзор туманидаги Бунёдор ва Чўпонота кўчалари кесилишида қурилаётган замонавий йўл ўтказгич шулардан биридир.

Янги кўприкнинг умумий узунлиги 676 метр, шундан эстакада қисми 488,5 метр бўлиб, баландлиги 8 метр, кенглиги 24,5 метрга тенг. Транспортлар 6 қаватда ҳаракатланади. Шунингдек, 124 метрлик иккита пиёдалар ўтиш кўприги ҳам қуриляпти. Ногирон ва кексаларга қулайлик яратиш мақсадида уларда махсус лифт, эскалатор ўрнатиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, қурувчилар билан мулоқот қилди.

— Янги кўприklar сифатли, жуذا пухта бўлиши керак. Бунинг учун ўз ишимизга фидоийлик билан ендашиб, кўприксозлик бўйича илгор хориж тажрибасини ўрганиб боришимиз зарур, — дейди Президентимиз.

Янги иншоотни лойиҳалаштиришда ёритиш тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Унга қўра, кўприкка жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган энергия тежамкор жиҳозлар ўрнатилади. Қурилишда Германиядан келтирилган замонавий техникадан фойдаланилаётгани иш унумдорлигини оширмоқда. Бугунги кунгача 256 та тўсундан 234 таси ўрнатилган, 276 та призматик қозининг барчаси қозилган, шунингдек, пиёдалар ўтиш йўлларига таянч устунлар тўлиқ ўрнатилган.

Шу ерда янги кўприklar қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва эксплуатация қилиш босқичидаги ишлар тақдимоти ўтказилди. Тошкент шаҳрида яна ўн бешта жойда йўл ўтказгичлар қурилиши маълум қилинди.

Давлатимиз раҳбари кўприklarни сақлаш, таъмирлаш ва эксплуатация қилиш масаласи ҳам фойдаланган эканини қайд этди. Соҳа учун махсус мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган коллежлар ташкил этиш бўйича топшириқлар берди.

Юртимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, одамларимиз учун замонавий шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. «Обод қишлоқ» дастури амалга оширилмоқда. Эяни шаҳарлар учун «Обод маҳалла» дастури ишлаб чиқилмоқда.

Чилонзор туманидаги Хирмонтепа маҳалласи тажриба тарихисидан ушбу концепция асосида обод қилинмоқда. Ҳудудда

жойлашган 24 та кўп қаватли уй таъмирланди. Маҳалла идораси ходимлари, профилактика инспекторлари учун бино, коммунал тўловлар шойхобчаси, болалар ва спорт майдончалари барпо этилмоқда.

Президентимиз шу ерда маҳалла фаоллари, кўп қаватли уйларида яшовчи аҳоли ва болалар билан суҳбатлашди, уларнинг уй-таъмишлари билан қизиқди.

— Ҳар бир маҳаллани Жиззахдаги Манастга ўхшатиб обод қилишимиз керак. Барча ишларимиз туб замирида халқимизни рози қилиш мақсади мужассам. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солашим, — дейди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги Тирсақобод маҳалласида ҳам бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ободлаштириш ишлари билан танишиб.

«Тирсақобод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда 9 кўп қаватли уй ва 864 ховли мавжуд. Бу ерда яшаётган 5 минг 200 дан ортиқ аҳоли орасида турли миллат вакиллари бор.

Маҳаллада Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида ободлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

«Sherobod building» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда маҳалла марказида чойхона, новвойхона, гузаллик саломи, дўконлар, спорт ва болалар майдончаларининг замонавий қиёфада қад ростлаш маҳалла аҳли ва унга ёндаш ҳудуд аҳолиси учун айна мудадо бўлмоқда.

Бу ерда «Обод маҳалла» лойиҳаси асосида маҳалла раиси, котиби, маслаҳатчи, профилактика инспектори, нуронийлар учун хоналар, кутубхона, мажлисхона зали, болалар майдончаси, ёшлар учун спорт иншоотлари, фавворалар қурилиши, ўриндиқлар, сояболлар, тунги ёритиш мосламалари ўрнатиш каби ишлар жадал кетмоқда.

Давлатимиз раҳбари маҳалла фаоллари билан мулоқотда бўлди.

Пойтахтимиз ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий маҳалла марказлари бунёд этиш, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг фаровонлиги ва тинчлигини таъминлаш бўйича мутасаддиларга қўрсатмалар берди.

Шу кун Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳри ва туманлари ҳокимлари, мутасадди раҳбарлар иштирокида йиғилиш ўтказилди.


Таъкидлаш керакки, руҳда ўтган йилгишода пойтахтимизда сановат ва кичик бизнесни ривожлантириш, аҳоли бандлигини ошириш, муҳандислик коммуникация тармоқларини яхшилаш бўйича долзарб чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Матназар ЭМУРОВОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Умар АСРОПОВ,
Ўза мухбирлари

YUKSALISH

ЎҚИСАНГ, БОЙ БЎЛАСАН!

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ва АҚШнинг "Asian Investment" корпорацияси ҳамкорлигида Java тилида дастурлаш бўйича ўқув курслари ташкил қилинди.



Бугунги кунда дунёда Java дастурчиларига талаб ортмоқда. Маълумотларга қараганда, мазкур ихтисосликка эга мутахассислар учун 200 мингдан зиёд бўш иш ўрни мавжуд. Уларнинг бир ойлик маоши эса, хорижда 3 минг АҚШ доллари, Ўзбекистонда 10 миллион сўмдан ортади. Демак, янги ташаббус

ёшларимиз учун айна мудадо. Ўқув курсларини америкалик тажрибали мутахассис олиб боради. Илк гуруҳ 24 нафар кишидан шакллантирилиб, саккиз ой мобайнида тингловчилар Java дастурлаш тизими асослари, маълумотлар базаси билан ишлаш, Java Web Apps, JSF, Code-First, RESTful каби технологиялар ва хизматлардан фойдаланишни ўрганади.

Энг фаол ва зукко йигит-қизлар "Asian Investment" компаниясининг мамлакатимиз ҳамда хорижда амалга оширилаётган лойиҳаларига жалб қилинади.

Рохатой ҚОДИРОВА

ёшларимиз учун айна мудадо. Ўқув курсларини америкалик тажрибали мутахассис олиб боради. Илк гуруҳ 24 нафар кишидан шакллантирилиб, саккиз ой мобайнида тингловчилар Java дастурлаш тизими асослари, маълумотлар базаси билан ишлаш, Java Web Apps, JSF, Code-First, RESTful каби технологиялар ва хизматлардан фойдаланишни ўрганади.

Энг фаол ва зукко йигит-қизлар "Asian Investment" компаниясининг мамлакатимиз ҳамда хорижда амалга оширилаётган лойиҳаларига жалб қилинади.

Барлос. — Шу боис Ўзбекистонга меҳрим бўлакча. Ота-боболарим киндик қони тўкилган дегирга келишни мудоом оруз қилардим. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар илқлашгач, орзумим ушалди. Афғонистонга темир йўл ётқизишда ёрдам бераётгани учун ҳукуматингиздан чексиз миннатдоримиз. Мана энди бизда сановат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланади. Насиб бўлса, мутахассис сифатида етишгач, янги темир йўл вокзалларию деполарда фаолият кўрсатамиз, иш ўринлари ҳам кўпаяди.

Марказ директори ўринбосари Тошпулат Тошевнинг айтишича, Афғонистондан келган 35 нафар йигит-қизга сентябрдан бошлаб назарий ва амалий дарс ўтилади. Қисқартирилган дастур асосидаги икки йиллик таълим тугагач, улар бакалавр даражасини берувчи тегишли ҳужжат олиши мумкин.

Талабалар ҳаёти билан яқиндан танишар эканмиз, сомон санъатига меҳр қўйган йигит эътиборимизни тортиди. Муҳаммад Хумоюн Аминий ана шу ҳунари ортидан курғазма ва фестивалларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган.

— Сомондан санъат асарлари яратишни марказга келиб ўргандим, — дейди тенгдошимиз. — Мана бу Ашиёр Навоийнинг Ҳиротдаги макбараси. Ушбу тасвир бобомиз қабрини зиярат

қилолмаган ҳар бир миллатдошимиз хонадонидан бўлишини хоҳлардим.

Темурбек Башарий болалигидан тикувчиликка қизиқарди. Аммо шароит йўқлиги туфайли жуяли иш қилолмаган. Мана турт ойдирки, марказда ўзи истаган ҳунарни эгалламоқда.


Ўзбек тилини ўрганишдек бахтга мушарраф бўлган ёшлар билан суҳбатлашиб, тинчлик-омонликка ўтаётган ҳар бир кунимизга айна бир қарра шукрона келтирдик. Сўнги суҳбатдошимиз Раъно Шерзодиннинг қуйидаги сўзлари бизни ҳам тўққинландирса, ажаб эмас. Бир қулоқ тўтинг-а:

— Ўзбек халқидан жуذا миннатдорман. Бизни самимий кутиб олди. Ҳозир жаннатда яшаётгандекман. Бу — мўъжиза! Икки йил мобайнида камида бешта тилини пухта ўрганишга аҳд қилдим. Яқинда Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳисида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзудаги ўтказилган Тошкент халқаро конференциясида қатнашдим. Менга Президент Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистонда миллий келишув жараёнига халқаро ҳамжамият томонидан қўмак бериш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқишга доир таклифи, аяниқса, маъқул келди. Бу йўлда Ўзбекистондек елкадошимиз борлигидан бағоят мамнунимиз.

YUKSALISH

ЎҚИСАНГ, БОЙ БЎЛАСАН!

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ва АҚШнинг "Asian Investment" корпорацияси ҳамкорлигида Java тилида дастурлаш бўйича ўқув курслари ташкил қилинди.



Бугунги кунда дунёда Java дастурчиларига талаб ортмоқда. Маълумотларга қараганда, мазкур ихтисосликка эга мутахассислар учун 200 мингдан зиёд бўш иш ўрни мавжуд. Уларнинг бир ойлик маоши эса, хорижда 3 минг АҚШ доллари, Ўзбекистонда 10 миллион сўмдан ортади. Демак, янги ташаббус

ёшларимиз учун айна мудадо. Ўқув курсларини америкалик тажрибали мутахассис олиб боради. Илк гуруҳ 24 нафар кишидан шакллантирилиб, саккиз ой мобайнида тингловчилар Java дастурлаш тизими асослари, маълумотлар базаси билан ишлаш, Java Web Apps, JSF, Code-First, RESTful каби технологиялар ва хизматлардан фойдаланишни ўрганади.

Энг фаол ва зукко йигит-қизлар "Asian Investment" компаниясининг мамлакатимиз ҳамда хорижда амалга оширилаётган лойиҳаларига жалб қилинади.

ёшларимиз учун айна мудадо. Ўқув курсларини америкалик тажрибали мутахассис олиб боради. Илк гуруҳ 24 нафар кишидан шакллантирилиб, саккиз ой мобайнида тингловчилар Java дастурлаш тизими асослари, маълумотлар базаси билан ишлаш, Java Web Apps, JSF, Code-First, RESTful каби технологиялар ва хизматлардан фойдаланишни ўрганади.

Энг фаол ва зукко йигит-қизлар "Asian Investment" компаниясининг мамлакатимиз ҳамда хорижда амалга оширилаётган лойиҳаларига жалб қилинади.

DOLZARB MAVZU



маркетинг қоидалари асосида кучайиб, ёйилиб боради, аҳолининг маданий эҳтиёжларини сегментлаштиради. Болалар, ёшлар, урта ёшлилар, катталарнинг эҳтиёжларини ўрганиб, бузиб, ўз манфаатига мослайди.

Маълумки, ақл нафсга буйсундирилса, жиноят, бузуқлик кўпаяди. “Оммавий маданият” шунинг тарафдори. Нафс ақлга буйсундирилса, фазилатлар шаклланади, одамлар комилликка интилади. Ота-боболаримиз, миллий маънавиятимиз эса, айнан шу нарсага интилган.

боболари касбини давом эттиришаётир. Бу ишни улар “саноат”га айлантиришди ва одамларнинг пулини қоқиб олувчи мазкур иллатни “оммавий маданият” деб аташди. Шунинг учун орамизда “оммавий маданият” бўлса, ҳаммабоп, яхши нарса экан-да”, қабилида иш юритадиган кимсалар ҳам йўқ эмас. Ваҳоланки, бу ном асл ниятни яшириш, мазмунни ниқоблаш мақсадида атайлаб танланган.

Соатлар ҳар хил бўлади: қуёш соати, сув, қум, механик, электрон, кварц соатлар... Қуёш соати қуёшсиз, сув соати сувсиз,

IMKONIYAT

40 НАФАРИ

ҲИСОБДАН ЧИҚАРИЛДИ

Элдор НАВРҲУЗОВ

Жиззах транспорт алоқа касб-ҳунара коллежида ички ишлар идоралари профилактик ҳисобидан турган ҳамда Ёшлар иттифоқи кафилиги асосида қамоқ жазосидан асраб қолинган ёшлар учун ўқув-семинари ташкил қилинди.



Унда вилоят прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, ички ишлар бошқармаси ҳамда ёшлар ташкилоти вакиллари, шунингдек, малакали психологлар иштирок этди. Лойиҳа доирасида “Биз, ёшлар жиноятчилиққа қар-

шимиз!” шиори остида акция ҳам ўтказилди. Йигит-қизлар билан мулоқот давомида мутахассислар ахборот хуружлари ва давлат хавфсизлигига таҳдидлар, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликларнинг

олдини олиш бўйича қилинаётган ишлар, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, Ёшлар иттифоқи фаолияти хусусида тўхтади. Мавзугарга тегишли слайд ва видеороликлар намойиш этилди.

Психологлар эса, ёшлар билан индивидуал тарзда суҳбат олиб борди. Аҳоли ўнганган 40 нафар ёш Иттифоқнинг вилоят кенгаши тавсияномаси асосида профилактик ҳисобдан чиқарилиб, уларга ўқув семинарида фаол иштироки учун эсдалик совғалар топширилди.

МАЪНАВИЙ МАСЪУЛИЯТ

Сардор БЕКТЕМИР, талаба

Маънавиятга четдан бўладиган салбий таъсирлар мавжуд экан, яқин келажакда улар камаяди, деб ўйлаш камда соддалик, ростмана айтганда эса, жинояткорона бепарволик бўлар эди. Шу босиб бу каби ташқи таҳдидларга қарши ҳар бир ўзбекистонликда “маънавий элакдан ўтказиш қобилияти”ни шакллантириш зарур. Токи одамларнинг ўзи ҳар бир ахборотни, янгилик ва билимни ақл тарозисидан тортиб, яхшини ажратиб олсин, ёмонни даф этиб, ёнидагиларни ҳам бундан огоҳлантирсин.

ЎЗБЕКНИНГ ЭЪЗОЗИ

Маънавият бизга уйда, тўйда, ишда, йўлда, қисқаси, ҳар бир қадамимизда ҳамроҳ. Бунга мисоллар жуда кўп.

2017 йил 2 август соат 07:55. Самарқанд шаҳридаги “Садаф” тўйхонасида меҳмонлар ўзбек маънавиятининг “ял” этган анъанавий бир кўринишига гувоҳ бўлди. 80 ёшлар чамасидаги бир мўйсафид тўйхонага кириб келди. Отахон қўш ҳассага суяниб, мажолсиз турар, оёқларини зўра қўтариб босарди. Бу аҳволда тўйхонанинг тўрига етиши учун 10 дақиқадан ортқ вақт кетарди. Отахон: “Мени мана бу ерга, эшикка яқин ўтказсангиз ҳам бўлади”, — деб энг яқин столини кўрсатиб, имлади. Отахонга “келинг-келинг” деб манзилар қилиб турган меҳмонлар иккиланиб, бир-бирига “Нима қилдик?” қабилида талмовсираб қараб қолди...

Шунда ҳеч ким кутмаган ҳодиса рўй берди: тўйда хизмат қилаётган йигитлардан бири отахонни

қучоқлаб, даст кўтарди-да: “Отажоним, отагиним, сизнинг жойингиз мана бу ерда”, — деб тўйхонанинг тўрига олиб бориб ўтқазди.

Икки юздан ортқ меҳмоннинг кўзи ана шу манзарага қадалди, лаган ва қошиқлар “симфонияси” бир зумга тўхтади. Ҳамма йигитнинг ақлу фаросатига, шижоати-га, маънавиятига ҳамду сано айтиб, ҳавас билан қараб турди. Зотан ўзбек маънавиятининг қудрати бир йигит тимсолида намоён бўлган эди-да. Мана шундай йигитлари бор миллатнинг юки ерда қоладими?!

“Оммавий маданият” ҳукмрон жамиятда шундай ҳолат кузатилиши мумкинми? Асло! Чунки, биринчидан, мўйсафид Қариялар уйида ётган бўларди. Иккинчидан эса, тўйга келса ҳам, тантана эгасининг имижига зарар етказмаслиги учун тўйхонага киритилмас эди; учинчидан, йигит: “Менга нима, зарил кептими шу чолни кўтариб?” — дея ўзини четга оларди-қўярди.

“Оммавий маданият”

“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”НИНГ “ТАЛАБ ВА ТАҚАЙФАРИ”

Тан касаллиги оғиздан кирса, руҳий, маънавий касаллик кўз, қулоқдан кириб, эгасини йўлдан оздиради. Четдан кириб келаётган, биз учун мутлақо ёт маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатлари уларни кўрган, эшитган, тақдид қилган ёшларни маънан ҳаста қилади. Маънавий касалликнинг иситмаси одамнинг ниятларида, айтган гапларида, қилмишларида ошқор бўла бошлайди. Қадрдонлари орасида ўзини бегонача туттишга ўтади. Ота-боболарининг миллий урф-одат ва маънавий қадриятларига беписан қараш даражасигача тубанлашади.

Шунинг учун ҳам “Юксак маънавият — энгилмас куч” асари: “Оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”, — дея огоҳлантиради бизни.

“Оммавий маданият”нинг тажовузи илгари ҳам учраб турарди. “Шум бола” фильмининг бир эсланг. Унда бир европалик Тошкент бозорида бир танга эвзига “ойна жаҳони”дан яланғоч аёлнинг суратини кўрсатади. Ҳозир уша жанобнинг неваралари,

қум соати қумсиз, электрон соат электр токсиз, кварц соат батареясиз ишламайди. Фақат механик соатнинг ишлаши эгасига боғлиқ. Қулогини бураса юраверади.

Кварц соат — бошқача. “Аввал батареянинг пулини тўлаб қўйинг, хўжайин”, — дейди гўё. Батареясиз соат — бефойда матоҳ-да. Соат сизники, лекин унинг юриши сизга эмас, батареяга боғлиқ. Шу батарея сизни ишлаб чиқарувчининг эҳтиёжман-дига айлантиради. Кимдир компьютерингизга тушин, деб турли вирусларни тайёрламоқда. Вирус тушса, анти-вирус дастурини ўрнатишга ҳам ўзлари ёрдам беришади. Пулини тўлаб қўйсангиз, бас.

Разм солсангиз, нафақат батарея ёки анти-вирусга, балки улардан ҳам муҳим, масалан, эстетик, маданий эҳтиёжларимизни эгаллаб олишга интилаётган гуруҳлар борлигини пайқайсиз. Улар аллақачон анчагина ишни қилишга улгурди. Айнан улар “оммавий маданият” маҳсулотларини ясади.

“Оммавий маданият” асида замонавийлик ниқобидидаги иллатдир, унда миллийликдан асар ҳам йўқ. Шунинг учун у муҳаббатни — фахш, меҳнатни — бизнес, бировга яхшилик қилишни — ресурсларни мақсадсиз сарфлаш, ҳаё ва андишани эса имкони-ятни бой бериш, ота-боболаримиз ўнгитларини эса, эскилик сарқити, деб билади.

ЖАМОАТЧИЛИК NAZORATI

МАКТАБГА ДЕВОР, ЎҚУВЧИЛАРГА КИТОБ КЕРАК

Лаазиз РАҲМАТОВ, журналист

Балиқчи туманидаги 25-умумтаълим мактабида бўлиб, хунук манзаранинг гувоҳига айландик

Муассаса 420 ўринга мўлжалланган. Амалда эса, унда нақ 526 нафар ўғил-қиз таълим олмақда. Мактаб 1971 йилда қурилган бўлиб, ҳозир жуда абгор аҳволда. Қизиги, бошланғич синфлар катта йўлнинг нариги бетидagi пасткақгина бинода ўқийди.

Машиналар ёзиллаб ўтиб юрадиган “Мустақиллик” шоҳ кўчасининг иккинчи томони-га бола тугул, ҳатто катта одам ҳам юракни ҳовучлаб ўтади. Гарчи тезликни чекловчи белги қўйилган бўлса-да, бу ерда автомобиллар соатига 80-100 километр тезликда ҳаракатланмоқда.

Бошланғич синфлар учун ажратилган лойдан тикланган бир қаватли иншоот жуда зах. Шунинг учун деворлари кўчиб тушмоқда. Салкам олтиш йил давомида унинг бирон марта ҳам капитал таъмирдан чиқарилмагани кишини ҳайратга солади. Фақат 2008 йилда жорий таъмирлаш ишлари бажарили-ю, шу ҳам кўл учиди.

“Мактаб”нинг синф хоналари тор, парталар эскирган, ёруғлик етарли эмас. Ҳар тарафдан анқиб турган бадбўй, қуланса ҳид кўнглингини оздиради.

Таълим масканида ошхона, фаоллар зали ва тиббиёт хонасининг ҳам йўқлиги таъбимизни хира қилди. Кутубхоначи Дилфуза Ҳаққулованинг айтишича, у сўнги бор 2017 йилда 28 номдаги 192 та китобни қабул қилган. Кейин яна тўртта Президент асари берилди. Бадиий адабиётлар эса, ҳамон танқис.

Мактаб атрофи очик-сочик, 175 метрлик қисми мутлақо тўсилмаган. Девор ўрнида қазиб



кўйилган бир метрлик чуқурнинг нариги томонида “Ҳаёт йўли” маҳалласига элтадиган лой-чанг йўл ўтган. Унинг четида зовур мавжуд. Болаларнинг шўхлиги тутиб бир сакраса борми, чуқурга фарқ бўлади-қўяди. Мавжуд девор эса, омонатгина турибди, ёмғирдан кейин нураб қолган, қаттиқроқ акса урилса, қулаб тушиши аниқ.

Яна бир гап: мактаб биналари билан бир вақтда қурилган ҳожатхоналар санитария талабларига сира жавоб бермайди. Ичимлик сув тармоғи ҳам тортиб келинмаган. Туман ҳокимлиги ичимлик сув минорасини қуриш учун 6 сотих ер ажратганига қарамай, мутасаддилар ишни пайсалга солиб келмоқда. Болалар тоза сув ичмаси ҳам бўлазеради, деб ўйласа керак-да. Таълим даргоҳида ҳамшира штати йўқ. Меҳнат фани ўтладиган хонадаги ускуналар эскирган, учта эски симёғоч беқа-

рор шамолларда ағанаб, бола-жонларга шикаст етказмас эди, деган хавотир ўтди юрагимиздан.

Мактаб директори Авазбек Якубовнинг айтишича, мавжуд деворларни қайта тиклаш учун бюджетдан 15 миллион сўм ажратилган. Ишлар июль ойида бошланиши керак. Ичимлик сув лойиҳаси ҳам тайёр. Бошланғич синфлар ўқийдиган бино эса, фақат бир йилдан кейин қайтадан қурилади.

Қўшимча даромад топиш мақсадида ўтган йили мактабга қарашли ҳузулда 220 тул олча экилганди. Дарахтлар яхши ҳосилга кирди. Директорнинг шу йўл билан қўшимча даромад топиб, мактабнинг кам-қустини тўғрилашга интилаётгани эътиборга лойиқ, албатта.

Аммо мазкур ҳудудга бириктирилган сектор раҳбари — Балиқчи тумани ҳокими Жасурбек Абдурайимов қаерга қараяпти. Халқ таълими мутасаддилари-чи, нега улар жим? Нега шунча муаммонинг юзга келишига йўл қўйиб берган? Соволлар очик қолмоқда...

FOTOFAKT

БИР КУНДА ҲАЛ БҮЛДИ-Я!

Алишер БОЙМУРОДОВ



Оққўрғонлик Шаҳризода Эрматова Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев билан ўтказилган учрашув чоғида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун ёрдам сўраган эди.

Мана сизга натижа: орадан бир кун ўтмай, тенгдошимизга 500 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ҳамда бино ажратилди. Ҳадсемай бу ерда тикувчилик цехи



фаолият бошлайди. Шу билан бирга, Шаҳризода макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қадоқлашни йўлга қўймоқчи.

TASHABBUS

Ёшлар иттифоқининг Денов тумани кенгаши “Тадбиркордан тажриба” лойиҳасини амалга оширди. Унда касб-ҳунар таълими муассасалари биттирувчилари ҳамда уюшмаган ёшлар иштирок этиб, ҳудуддаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан танишди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА



ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРДИ

Наврасталар дастлаб “Сурхон озик-овқат саноати” акциядорлик жамиятида бўлди. Мулоқот жараёнида корхона мутахассислари яқка тартибдаги тадбиркорлик, кичик бизнес ва касаначиликни рағбатлантириш механизmlари, мазкур субъектларга микро-молиявий хизмат кўрсатиш тартиби хусусида тўхтади. Куннинг иккинчи яр-

мида йигит-қизлар “Денов Камоли равнақи” хусусий корхонасига борди. Корхона раҳбари Ҳабибулло Муродов уларга тадбиркорликда асқатладиган тавсияларни берди. Кейин меҳмонлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Баъзи ёшлар ҳатто ўз мутахассислиги бўйича ишга қабул қилинадиган бўлди.



Селфи касалига гирифтор улар,
Ҳолига маймунлар йиғламас, кулар!..

Рассом: Жаҳонгир МИРЗО

MENING FIKRIM

**ҚАЙТА
НОМЛАСАКМИКАН**

Асрор МҮМИН,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

Дунё мамлакатларида йил, ой ва ҳафта кунларини ҳисоблайдиган ўнлаб тақвимлар амал қилади. Уларнинг бир қисми Шарқ оламида, баъзилари Фарбда пайдо бўлган. Масалан, Рим императори Юлий Цезарь жорий этган Юлий тақвими XVI асрда ислоҳ қилинган, Григорий тақвими деб номланди. Биз ундан 1918 йилдан бунён фойдаланиб келаямиз.

Тақвимдаги ойлarning номланишига эътибор беринг: январь — римликларнинг Янус худоси номидан олинган. Лотинча “февраль” сўзи “покланиш” маъносини беради ва қадимги римликларнинг диний ақидаларига кўра, бу ой покланиш оғи ҳисобланган экан. Март — уруш худоси Марс номидан келиб чиққан ва Григорий тақвими ҳам шу ойдан бошланган. “Апрель” сўзи лотинчада “очмоқ” деганидир. Қадимги римликлар тақвимида апрель оғи баҳор фаслининг биринчи оғи бўлган. Май — юнларнинг Гермес худоси онаси

Майя шарафига қўйилган. Июнь — қадимги римликлар маъбудаси Юнона, июль — Рим диктатори Юлий Цезарь, август — Рим императори Август номи билан аталган. “Сентябрь, октябрь, ноябрь, декабрь” сўзлари лотинчада “етти, саккиз, тўққиз, ўн” маъноларини беради. Бу ойлари қадимги римликлар тақвимида мос равишда еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи, унчинчи ўринда турган.

Совет давлати парчалангандан сўнг Қозғоғистон, Украина ва бошқа республикалар ойлариномланишини ўз қадриятларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирган. Балки Ўзбекистон ҳам шу йўлдан боргани маъқулдир. Айтилган баъзи ойлари буюк аждоғларимиз шарафига номлаш мумкин.


Халқимиз азиздан янги йилни эзгу ният, эзгу сўз, эзгу ишлар билан бошлайди. Ун иккинчи оғи шундай го-яларни мужассам этган дунёдаги энг қадимий китоблардан бири — “Авесто” номини берсак,

нур устига нур бўлади, деб ҳисоблайман. Албатта, бу бордада шовша-шарқликка йўл қўйиб бўлмайди. Аввало, кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш лозим.

Тақлифнинг муҳим жиҳати шундаки, ҳар ойда бир улғу аждоғимизнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқурроқ ўрганамиз. Биргина мисол: утган аср охирида олимлар шу вақтгача яшаб ўтган дунёдаги барча алломаларнинг кашфиётларини компьютерга киритган ва улар нечта йўналиш бўйича Нобель мукофоти олиши мумкинлигини аниқлаган. Замонавий компьютер фақат бир киши — ватандошимиз Муҳаммад ибн Мусо Хоразмиғни Нобель мукофотига тўртта йўналиш бўйича лойиқ топган.

Хулоса шунки, тақвимимиз ҳам ўзгаришига мос бўлса, ҳар ҳолда, ой давомида қадимги римликларнинг худо ва императорларини эмас, буюк бобоқалонларимизни ёд этганимиз маъқулдир.

QING, BU QIZIQ!



Японияда жамоат жойларида чиқинди қутиларини жойлаштириш тақиқланган. Сабаби бу ҳақ вакиллари чиқиндиларни ажратиш ва белгиланган жойларга ташлашга оdatланган.

Иккинчи сабаб 1995 йилда Токио метрополитенда содир этилган теракт билан боғлиқ. Ушбу муҳажир воқеадан сўнг, портловчи қурималар ташлаб кетилмаслиги учун жамоат жойларига чиқинди қутилари ўрнатилмайдиган бўлди.

Материал Азия вазирига
“Хуқуқий ахборот” каналидан олинди.

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

— Тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳақида маълумот берсангиз.

Маъруф УСАНОВ
Жарқурғон тумани



Саволга ҳуқуқшунос
Асрор ЭРГАШЕВ жавоб беради:

— 2000 йилнинг 25 майида қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси қонунига кўра, тадбиркорлик субъектига кредит берилаётганда банк муассасалари, бошқа кредит ёки сўғурта ташкилотлари кафили бўлиши мумкин. Мазкур ҳуқуқ тўловга қобилиятли


юридик ва жисмоний шахслар, қолаверса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳам бериладган.

Тадбиркор кредит шартномалари бўйича мажбуриятларини ўз мол-мулки, жумладан, ашёлари ва мулккий ҳуқуқлари, шунингдек, ўзи олган кредитни тўлай олмаслик хавфи сўғурталанган сўғурта полиси ҳисобига таъминлаши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда имтиёзли кредит олишга ҳаққидир.

(Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши билан ҳамкорликда тайёрланди).

«FARZAND — DILBAND» KROSSVORDI



Enigma: 1. Havo bilan to'ldirilgan o'yinchoq. 2. Katta farzand. 3. Yog'du, ziyo. 5. Onalarning azaliy qo'shiqi. 10. Ertaklardagi polvon yirtqich. 13. Mayizli shirinlik. 14. Hikmatdan: «... birlikda». 16. Go'zallik. 35. O'quvchi orzusidagi baho. 36. Eng katta suv jonivori. 38. Mo'tabar zot. 40. Bahor guli. 41. Hikmatdan: «Hunardan ... unar». 43. To'g'ri, haqiqat. Bo'yiga: 1. Aqliy sport o'yini. 2. Ajdodlar davomchisi, nasl. 3. Bobo va buviga nisbatan farzandning zuriyoti.

4. Qizlar ismi. 5. Maqoldan: «... yoshda emas boshda». 6. Qo'shiqdagi eng yuqori nota. 11. Xursandlik. 12. Gul. 14. Badiiy gimnastika anjomi. 15. Bolalarning bahorgi o'yini. 16. Rang turi. 17. Quyoshli payt. 18. Respublikamizdagi taniqli bolalar katta xori. 19. Balog'atga yetmagan farzand. 31. Alisher Navoiy ta'rificha dunyodagi eng aziz do'st. 32. Telekanal. 33. Bolajonlar o'rganayotgan xorijiy tillardan biri. 34. Hajviy-yumoristik kinojurnal. 36. Daniel

Defoga mansub sarguzast roman qahramoni. 37. Iste'dodli bolalardan tashkil etilgan san'at guruhi. 38. Hamid Olimjon dostoni nomidan: «... bilan Baxtiyor». 39. Xalqimizga mansub udum, urf-odatlar majmui. 41. Oilada yumushlarni bajaruchi bola. 42. O'zbek bolalar shoiri Habib ... 43. Hind xalq eposi «Ramayana» qahramoni. 44. So'zlashuv vositasi. 45. Maqoldan: «... bola bek bola». 46. Ko'klamga xos qo'shiq. Diagonal bo'yicha: 18. Kichkintoylar maskani. 45. Chaqaloq yotog'i. Zanjir holda: 7. Sakrab-

sakrab o'ynaladigan o'yin. 8. Bolajonlarning sevimli kino san'ati. 9. Taqinchoq. 20. O'zbek bolalar shoiri, «Orzulari qo'sh qanotim» she'rlar va ertaklar to'plami muallifi. 21. Aziz diyov. 22. O'zbek xalq dostoni. 23. Beqiyos ijodiy qobiliyat, layoqat. 24. Maqoldan: «... sinovda chiniqudi». 25. Bolalar tashkiloti. 26. Kitoblar xazinasi. 27. «Shirin qovunlar mamlakati» romani muallifi. 28. Ingliz adibasi, «So'na» romani muallifi. 29. Olqish ifodasi. 30. Insonning yetuklik davri.

Tuzuvchi:
Foziljon ORIPOV

YOSHLIK ILHOMI

БАҲС

Олимбек ЛАТИПОВ

— Дунёда энг шаффоф нарсa менман! — дебди Кўзгу мағрурланиб. — Одамлар менга қараб ўзига оро беради, гўзаллигини кўриб, қувонади. Улар мени авайлаб, кўзга ташланадиган жойга қўяди.

— Тиниқликда эса, менга тенг келадигани йўқ, — дебди Дерза буш келмай. — Инсонлар мен орқаи ташқи муҳитдан бохабар бўлади, табиатнинг гўзал манзараларидан баҳра олади. Уйларга қўёш нурию тоза ҳавонинг киришига ҳам мен сабабчиман.

— Сувдай пок бўл, дейишади. Демак, дунёдаги энг соф нарсa мен эканман, — дебди Сув баҳсга қўшилиб.

Учаласи бир тўхтамага келолмай, охири, кўпни кўрган Чинор дарахтидан дунёдаги энг тиниқ нарсa нима эканлигини сўрабди.

— Инсон кўзгуда ўз аксини кўради, холос. Баъзан ташқарига боққанда шундай манзараларни кўрадики, беихтиёр деразага парда тортади. Сув эса, бир лойқаланиб кейин тинади. Дунёда энг тиниқ нарсa бу — болаларнинг қалби. Улар борлиқни қандай кўрса, шундайлигича қабул қилади, — деб жавоб берибди Чинор.

**“YOSHLAR OVOZI”
TAQVIMI**

2 ИЮНЬ кун
Ўзбекистон давлат санъат музейида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан “Қуёш порлаб турсин доимо!” деб номланган маданий тадбир бўлиб ўтади.



4 ИЮНДА Тошкент шаҳрида “Уюлмаган ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириш: муаммо ва истиқболлар” мавзусидаги II халқаро илмий-амалий конференция ўз иштини бошлайди. Икки кунлик форумга юртимиз эксперт доиралари билан бирга, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари ҳамда хорижий мутахассислар таклиф этилган.

6 ва 7 ИЮНДА “Туркистон” санъат саройида “Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда” шиорини остида маънавий-маърифий концерт дастури ташкил қилинади. Тадбирда таниқли адиб ва санъаткорлар иштирок этиши кўзда тутилган. Бунималон ва китобсевар ёшларни эса, турфа совғалар кутмоқда.



6-12 ИЮНЬ кунлари “Ислоом маданияти раванқ топган юрт” деб номланган кўргазма ўтказилади. Унда хаттотлик, ёғоч уймақорлиги, наққошлик, каштачилик, миниатюра каби санъат асарлари намойиш этилади.

13, 19 ва 27 ИЮНЬ кунлари пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида анъанавий мусиқа кечалари ўтказилади. Меҳмонлар моҳир созанда, ҳушовоз бахши ва хонандаларимизнинг жонли ижроларидан баҳраманд бўлиши мумкин. Концертларга кириш бепул.



21 ИЮНЬ кунини Ёшлар иқола саройида “Kinder expo” VI халқаро кўргазмаси очилади. Экспозицияда болалар ўйинчоқлари ва ўйинлари, косметика ва гигиена воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, пойабзал ҳамда аксессуарлар намойиш этилади.



Н.БАҲОДИРОВА тайёрлади.

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари (“Yoshlar ovozi”); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари (“Молодежь Узбекистана”); Елена Калинин — масъул котиб (“Молодежь Узбекистана”).

Дизайнер
Норбоев Жамолитдин
Жуманазар ўғли

Навбатчи
Акбаржон Абдураимов

Газета материаллари таҳрирнинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар такриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100229, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табақ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоиси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-536
Адади — 22176

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 01.55
ЎЗА йези — 00.40

Офсет усулида босилган.